Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
2 MAY
PAYSHANBA
№ 54 (26.913)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИ

Қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш дастурини амалга ошириш бўйича республика комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, вазирликлар, идораларнинг 2002 йил биринчи чорагида қишлоқ аҳоли пунктларини газ ва сув таъминоти тармоқларига улаш вазифаларини бажариш бўйича ишлари якунлари муҳокама этилди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, комиссия раиси Р.Азимов бошқарди.

Мажлисда жорий йилнинг январь-март ойларида қишлоқларда 285 километр сув тармоқлари ва 497 километр газ қувурлари тортилиб, фойдаланишга топширилгани таъкидланди. 74 та қишлоқ аҳоли пунктига илк бор ичимлик суви, 41 та қишлоққа газ келтирилди.

Амударё қуйи ҳудудида сув тақчиллиги юзага келтириши мумкин бўлган оқибатларнинг олдини олиш, аҳолини мунтазам ичимлик сув билан таъминлашни ташкил этиш муаммоларига алоҳида эътибор қаратилди. Қорақалпоғистон Республикасининг Оролбўйи ҳудудларидаги қишлоқ туманларида барқарор санитария-эпидемиология ҳолатини таъминлаш мақсадида биринчи чорак давомида 39 та қишлоқ тақсимлаш қисми таъмирланди ва тикланди, 34 та сув ташиш машинаси, 23 та махсус машина, 52 та автоцистерна ва 39 та катта сув идишлари сотиб олинди ҳамда етказиб берилди. Шунингдек, Оролбўйи ҳудудида жойлашган 26 та туман санитария-эпидемиология станциялари учун ускуналар ва автомобиллар харид қилиш режалаштирилган. Бу ҳудудда жорий йилда 360 километр қишлоқ сув тармоғини қуриш ва фойдаланишга топириш кўзда тутилган, 500 та қудуқ бурғулаш ва уларга насослар ўрнатиш ишлари ҳам давом эттирилади. Қорақалпоғистоннинг Қораўзак, Чимбой, Тахтакўпир, Мўйноқ ва Бўзатов туманларининг чекка аҳоли пунктларида 9 та сувни чучуклаштириш ускуналарини ўрнатиш режалаштирилган.

Мажлисда яқинлашиб келаётган ёз мавсумида санитария-эпидемиология ҳолатининг барқарорлигини сақлаш, ичимлик суви сифати устидан қатъий назорат ўрнатиш, ичимлик сувидан ўтадиган касалликларнинг олдини олиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Амударё қуйи ҳудудида яшовчи аҳолини сув билан таъминлашда мураккабликлар мавжудлигини инобатга олиб, тегишли вазирликларга Осиё тараққиёт банки, Американинг Халқаро ривожланиш бўйича агентлиги, Эрон ва Франциянинг ҳукумат агентликлари билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг айрим туманлари қишлоқларини сув билан таъминлашни ривожлантириш ҳамда жорий йилнинг учинчи чорагида амалга оширишга киришиш вазифаси топширилди. Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 65 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, шундан 38 миллион АҚШ доллари Осиё тараққиёт банки томонидан молиялаштирилади.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан комиссиянинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

■ (ЎзА)

Мамлакатимиз раҳбари «2001 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилги вазифалар»га бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида энергетика ресурсларидан, айниқса табиий газдан фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор бердилар.

Бу — бежиз эмас. Зеро, ҳозирги турмуш тарзимизни табиий газсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Эҳтиёж ҳам кун сайин ортиб бормоқда. Шу боис, ҳукуматимиз белгилаган режаларга кўра республикамизнинг энг олис қишлоқларида ҳам аҳоли хонадонларини газлаштириш тадбирлари жадал тус олмоқда.

Андижондаги Марҳамат туманида шу пайтгача табиий газ танқислиги сезиларли даражада эди. Бу йил эса ҳудудда диаметри 325 миллиметр бўлган 14 километр узунликдаги юқори босимли газ қувури ва Марҳамат газ тақсимлаш шаҳобчасининг ишга туширилиши муаммога чек қўйди. Тумандаги 17566 та хонадоннинг 16500 тасига «зангори олов» етиб борди. Ҳолбуки, яқин-яқингача ҳам бу кўрсаткич атиги 5000 эди, холос.

Марҳаматликлар орзиқиб кутган бу қулайлик — газ қурилмаларининг ишга туширилишида Фарғона «Олтин водий» ҳиссадорлик жамияти ва тумандаги 112-механизациялашган кўчма жамланма бунёдкорларининг ҳиссаси катта.

Суратларда: (чапдан) оператор Нурмуҳаммад Абдуқулов ва Марҳамат газ таъминот шўъба корхонаси бошлиғи Жумабой Усмоновлар амалга оширилган қурилиш ишларини кўздан кечиришаяпти; оператор Ҳамид Бекмирзаев ўз ишидан мамнун; Марҳамат газ тақсимлаш шаҳобчасидан бир кўриниш.

■ **Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар**

DUNYO

VOQEALAR YANGILIKLAR XABARLAR

ЭКСТРЕМИЗМГА ҚАРШИ

Россия президенти Владимир Путин экстремизмга қарши курашга йўналтирилган федерал қонунлар лойиҳасини кўриб чиқиш учун Давлат думаси ихтиёрига жўнатди. Бу ўринда гап «Экстремистик фаолиятга қарши кураш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ва бундай федерал қонун қабул қилиниши муносабати билан Россия Федерацияси қонун чиқариш актларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳалари ҳақида бормоқда, дея хабар беради Кремлнинг матбуот хизмати.

ЭМБАРГО ЭЪЛОН ҚИЛИШГА ЧАҚИРДИ

Эрон нефть саноати вазири Бижан Зангане Исроилга нефть маҳсулотлари етказиб берувчи барча мусулмон давлатларини ва Эронни қўллаб-қувватловчи бошқа мамлакатларни Исроилга нисбатан эмбарго эълон қилишга чақирди.

Эроннинг IRNA ахборот агентлиги хабар беришича, «эмбарго сионизм тузумининг Фаластинга қарши жиноий ҳаракатларини тўхтатишда муваффақиятли восита бўлиши мумкин», дейилади Зангененинг баёнотида.

ПОКИСТОНДА РЕФЕРЕНДУМ

Сешанба куни Покистонда референдум бўлиб ўтди. Мамлакат президенти Парвез Мушаррафнинг яна беш йилга шу лавозимда қолиш-қолмаслиги референдумнинг натижаларига боғлиқ. Шуни таъкидлаш лозимки, тахминларга қараганда, Покистон аҳолисининг кўпчилиги ҳозирги президентнинг ваколат муддатини узайтириш учун овоз бериши кутилган. Референдум куни мамлакат ҳудудида 87 минг сайлов участкаси фаолият кўрсатди.

ПРЕЗИДЕНТ САФАРИНИ СЕНАТ БЕЛГИЛАЙДИ

Мексика президенти Висенте Фокс Бельгия, Франция ва Испанияга расмий ташриф буюришга қарор қилган эди. Мамлакат сенати ушбу қарорни маъқуллади. Мексика қонунларига кўра, президент хорижга сафар қилишдан олдин сенатдан рухсат олиши керак. Бу тартиб аввалари анчагина расмий характерга эга эди, лекин шу йил апрелда сенат Висенте Фокснинг АҚШ ва Канадага уч кунлик сафарга чиқиш қарорини ман этди.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ФЕРМЕР СУВНИ КИМДАН ОЛАДИ?»

Шу йил 2 март куни газетада эълон қилинган «Фермер сувни кимдан олади?» сарлавҳали мақола вазирлик мутахассислари томонидан ўрганилди. Мақолада кўтарилган масала долзарб эканлиги эътироф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январдаги 8-сон қарорига мувофиқ бу йил ҳам қатор қишлоқ хўжалик корхоналари негизида кўплаб фермер хўжаликлари ташкил этилди. Янгидан тузилган фермер хўжаликлари олдида бир қанча муаммолар, хусусан сув муаммоси пайдо бўлиши мумкин.

Бу ва бошқа муаммоларни ҳал қилиш учун сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ташкил этилди. Уюшма республика Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилди. Унинг асосий вазифаси фермерлар ўртасида сувдан тўғри фойдаланишни ташкил этишдан иборат. Сув ресурсларидан тўғри фойдаланишни режалаштириш, давлат сув хўжалиги ташкилотларидан белгиланган лимит доирасида сув олиш ва уюшма аъзолари ўртасида тақсимлаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини назорат қилиш, олинаётган ва тақсимланаётган сув ресурслари бўйича ҳисоб-китоб юритиш, сув кадастрини юргизиш, суғориладиган майдонлардан зовур сувлари чиқарилишини таъминлаш ҳам уюшма зиммасига юкланган. Шунингдек, фермерларнинг ҳуқуқларини, манфаатларини, давлат ҳамда бошқа идора ва ташкилотларда ҳимоя қилиш ҳам уюшма ваколат доирасига киради.

...Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳудудларида сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини тузиш бўйича қўлланма ишлаб чиқилди. Китобча шаклида чоп этилган бу тавсиялар фойдаланиш учун жойларга юборилди.

Ҳозирга қадар 104 та сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ташкил этилди. Уларнинг 93 таси ўз фаолиятини бошлади. Уюшмаларга 8483 фермер, 17988 деҳқон хўжалиги аъзо бўлди. Томонлар ўртасида шартномалар тузилди, сув лимитлари аниқланди.

Сувдан фойдаланувчилар уюшмасини ташкил этиш ва фермерларга кўмак бериш ишлари давом эттирилади.

■ **Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги сув ресурслари баланси ва сувни тежаш технологиялари бошқармаси бошлиғи Ҳ. ГАППАРОВ**

«УМИД НИҲОЛЛАРИ» СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА

ФАРҒОНАДА БИРИНЧИ МАРОТАБА ЎТКАЗИЛГАН «УМИД НИҲОЛЛАРИ» РЕСПУБЛИКА СПОРТ ЎЙИНЛАРИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Республика финал босқичи иштирокчиларининг 600 нафари олтин, кумуш ва бронза медаллари совриндорлари бўлишди.

«Умид ниҳоллари» нафақат Фарғона, балки бутун Ўзбекистон аҳлига спортимиз истиқболи умидли қўлларда эканлигидан шаҳодат берди. «Кичик олимпиада» деб эътироф этилган бу мусобақанинг ўтказилган барча босқичларида мамлакатимиздаги мактаб ўқувчиларининг 88,3 фоизи фаол иштирок этди.

Республикамизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳридан 1918 нафар ёш ўғил-қиз спортнинг 11 тури бўйича ўзаро баҳс юритдилар. Мусобақалар дастурига қишлоқларимизда кам оммалашган сузиш, теннис, баскетбол, стол тенниси каби спорт турларининг киритилиши улар ривожига туртки бериши шубҳасиз. Бир ҳафта давомида Фарғона, Марғилон шаҳарлари, Тошлоқ, Фарғона, Қиргули туманлари ўйингоҳлари, спорт заллари, теннис кортлари, сузиш ҳавзалари, югуриш йўлакларида қизғин, ҳалол курашлар кечди.

(Давоми 4-бетда)

ФУТБОЛ

ЯРИМ ФИНАЛЧИЛАР АНИҚ

Кеча мамлакатимизнинг уч шаҳрида футбол бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақаларининг 1/4 финалдаги жавоб учрашувлари бўлиб ўтди. Унда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Насаф» — «Қўқон-1912» — 5:1 (биринчи учрашув — 0:1), «Қизилқум» — «Андижон» — 5:0 (4:1), «Зарафшон» — «Нефтчи» — 1:0 (0:2). Икки ўйин натижасига кўра, «Насаф», «Қизилқум», «Нефтчи» жамоалари ярим финалга йўлланма олишди.

Эслатиб ўтамиз, «Пахтакор» (Тошкент) жамоаси рақиби — «Академия» футбол клуби тарқаб кетганлиги сабабли пойтахтликлар ярим финалга курашсиз йўл олишганди. Мамлакат биллур соврини учун ҳал қилувчи босқичдаги дастлабки учрашувлар 22 май куни ўтказилади. Ярим финал ўйинларига келгуси ҳафта қуръа ташланади.

■ **Эркин ХОЛБОБО**

МАВЗУГА ҚАЙТИБ

БИР ҚУРИЛИШ ТАРИХИ

ЁХУД ҚУРИЛИШИ БОШЛАНГАНИГА ҚАРИЙБ ЎН ЙИЛ БЎЛАЁТГАН «НАВОИЙТЕКС» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ХУСУСИДА

«...Навбаҳор туманида «Навоийтекс» тўқимачилик қўшма корхонаси қурилаётган эмиш. Агар бу корхона ишга тушса Навоий ва навбаҳорлик минг нафарга яқин хотин-қиз иш билан таъминланармиш. Хориж технологияси, Италия асбоб-ускунасига эга бўлган бу қўшма корхонада пахта толасини қайта ишлаш, йигириш, калавалаш ва уларни тайёр газламабоп ип ҳолатига келтириш цехлари очилармиш. Замонавийлиги, ишлаб чиқариш қуввати жиҳатидан «Навоийтекс» машҳур Бухоро тўқимачилик комбинатидан сира қолишмасмиш...»

Биз ушбу сатрларни газетамизнинг 1998 йил 5 апрель сонидаги эълон қилинган «Туя гўшти еган қурилиш» сарлавҳали мақоладан айнан келтираяпмиз. Мана, ичқадек чўзилиб келаётган гигант корхона қурилиши хусусида бонг урилганига ҳам 4 йил бўлди. Нима ўзгарди? Афсуски, аҳвол ўш-ўша: эски ҳаммом, эски тос. Ҳажми жиҳатидан 3,5 гектар келадиган кенг майдонда қалашиб ётган бетон плиталарга қараб беихтиёр ачинасан киши. Ҳайҳотдек қурилиш майдонида қимирлаган жон кўринмайди.

Хўш, нима учун корхона қурилиши бошланди-ю, ташланди? Унинг айбдорлари ким? «Навоийтекс» нега энди Навбаҳор туманига, қолаверса, мазкур туманнинг Йўлдош Охунбобоев номли ширкат хўжалиги — «Пахтакор» ҳудудига тиқиштирилган? Ечимталаб муаммолар билан туманнинг ўша кездаги собиқ раҳбарларидан бири, худди шу қурилишга бевосита дахлдор Акром Алиқулов билан бафуржа суҳбатлашганимизда масала бир қадар ойдинлашгандек бўлди.

(Давоми 2-бетда)

ДИҚҚАТ: ЯНГИ РУКН!

«СИРТҚИ ҚАБУЛ СОАТЛАРИ»

Мамлакатимизнинг турли жойларидан таҳририятга келаётган хат-хабарлар орасида фуқароларнинг ариза ва шикоятлари ҳам оз эмас. Биз уларнинг айримларини баҳоли қудрат ўрганиб, газетамизда ёритишга ҳаракат қилаяпмиз. Қолган аризаларни эса кўриб чиқиш учун вазирлик, ҳокимлик ва бошқа тегишли идоралар ҳамда ташкилотларга юбораяпмиз.

Пойтахтимиздаги турли идораларга ҳам аризалар келаётгани табиий, қабулхоналарда эса ҳар куни навбат кутиб турган кишиларни кўрамиз. Улар, у ёки бу раҳбар қабулига кириш, дардини, саволини, таклифини айтиш учун узоқ-яқиндан йўл босиб келишган. Лекин пойтахтга келиш ҳаммага ҳам осон эмас, албатта. Чунки, бу масала, энг аввало, вақт ва маблағга бориб тақалади.

Юртдошларимизни ана шу ташвишлардан халос этиш, мушкулини енгиллаштириш мақсадида вазирликлар, қўмиталар ва республика миқёсидаги бошқа идоралар раҳбарлари билан **«Сиртқи қабул соатлари»** ўтказишга қарор қилдик.

Дастлабки учрашувни Адлия вазирлиги раҳбарияти билан ўтказишни режалаштирдик. Вазирлик раҳбарияти фуқароларимизнинг саволларига жавоб беришга тайёр эканликларини билдирди.

Шундай қилиб, азиз газетхон, сиз ўзингизни ташвишга солаётган муаммолар хусусида Адлия вазирлиги раҳбариятига савол бериш, таклиф ва мулоҳазаларингизни айтиш имкониятига эгасиз. Кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, нотариат идоралари, фуқаролик ҳолатини қайд этиш бюролари, адвокатура... қўйингки, Адлия вазирлигига дахлдор барча савол ва таклифларингизни йўллашингиз мумкин.

Саволлар, таклиф ва мулоҳазалар ёзма равишда 15 майгача таҳририятга йўлланиши ёки 133-12-56, 133-44-55 рақамли телефонлар орқали аниқ ва лўнда ҳолда баён этилиши лозим.

Сизларнинг савол ва таклифларингиз вазирлик раҳбариятига тақдим этилади ва ўрганиб чиқилгач, жавоблар газетамизда эълон қилинади.

Азиз муштарийлар! «Сиртқи қабул соатлари» сизни кутади.

ЯНГИЛИКЛАР

ҚОРАКЎЛДА ҚЎШМА КОРХОНА

Бундан икки йил илгари Қоракўл туманида «Қоракўлтекс» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси иш бошлаганди. Корхонада ишлаб чиқарилаётган ип-калава жаҳон андозаларига тўла жавоб бериши билан харидоргир. Бугунга келиб корхонанинг иккинчи навбатини қуришга эҳтиёж борлиги ҳам шундан. Кунига 25 тонна трикотаж мато ишлаб чиқариладиган бу мажмуа ишга тушса 100 нафар қиз-жувон иш ўрнига эга бўлади.

Ҳозир «Қоракўлтекс»да кунига 8-10 тонна экспортбоп калава ип ишлаб чиқарилиб, Россия, Туркия ва бошқа хориж мамлакатларига жўнатилмоқда.

МАКТАБДА ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИ

Бухоро шаҳридаги 18-умумтаълим мактабини интернет тармоғига уланиши таълим-тарбия жараёнида ижобий силжишларга сабаб бўлди. Ҳозир интернет синфда 11 та компьютер бўлиб, ўқитувчилар дунёнинг исталган мамлакатларидан у ёки бу фанга доир янгиликлар, маълумотлар олишмоқда. Вилоятда бундай қулайликка эга бўлган мактаблар сони кун сайин ошяпти.

■ **Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ЭЪТИРОФ

ЮРТИНГИЗ ТУПРОҒИНИ КЎЗИМИЗГА СУРТДИК

ДЕЙДИ АФҒОНИСТОНЛИК МЕҲМОНЛАР

Узоқ йўлга отланганингда ҳамроҳинг дилкаш бўлса зерикмайсан, манзилга етганингни ҳам билмай қоласан. Бу гал омадим келди. Деновдан йўлга чиққан микроавтобусда афғонистонлик тижоратчилар билан ҳамроҳ бўлиб қолдим.

— Афғонистонда туғилганман, — деди Марзи Мирхонжи ўзини таништирар экан. — Ўзбекистонни ўз Ватанимдек севаман. Мана, 8 йилдирки элчихонада меҳнат қиляпман. Ростини айтсам, юртингизга, халқингизга ҳавасим келади. Осуда осмон, тинчлик, фаровонлик, тўкин-сочинлик... Бу Ўзбекистонга ҳизрнинг назари тушганлигидан нишонадир.

Узоқ йиллик уруш афғон халқининг тинка-мадорини қуритди. Мамлакатда ишсизлар сони ортди... — Меҳмон оғир сукутга чўмди... — Аввало, тинчликнинг қадрига етиш керак, — деди у сўнгра атрофга назар ташларкан. — Қаранг, кишилар чеҳрасидаги хотиржамлик, табассум, шунинг ўзи бахт эмасми? Шу ерда бехавотир ўтиришимизнинг ўзида шукроналик бор. Ўзбекистоннинг, ўзбекларнинг, шу юртда яшаётганларнинг толеи баланд экан.

... Ҳайдовчи йўлга чиқишимизни айтгач, суҳбатни машинада давом эттирдик.

— Тожикистон орқали Ўзбекистонга келдик, — давом этади ҳамроҳимиз Ҳожи Абдураҳмон. — Сарҳаддан ўтишимиз биланоқ, юртингиз тупроғини кўзимизга суртдик. Бу юртнинг, осуда заминнинг бир кафт тупроғида ҳам оламолам маъно мужассам. Узоқ йиллардан буён тижорат билан шуғулланаман. Кўп юртларда бўлдим, аммо уларнинг барчаси бир бўлса, Ўзбекистоннинг ўзи бир ён. Халқи меҳмондўст, дилкушо, дастурхони тўкин юрт бу. Бундай диёрни ҳар бир ватандош кўз гавҳаридек асраши керак.

— Бугун Афғонистонда ҳам тинчлик ўрнатилмоқда. Бунда Ислом Каримовнинг бевосита хизмати катта, — деди ҳамроҳларимдан бири. — Кобул, Қандаҳор, Қундуз, Мозори Шариф шаҳарлари кундан-кун чирой очмоқда. Эрон, Покистон, Тожикистон ва Арабистонга кетган маҳаллий аҳоли ўз ватанларига қайтишмоқда. Мактаб, шифохона, телестудия, завод ва фабрикаларда ўқиш ва ишлар бошланди. Савдо-сотиқ ривожланмоқда. Чорва, деҳқончилик ишлари изга тушди. Афғонистоннинг энг яқин биродарларидан бири Ўзбекистон бўлди, десам ҳақ гапни айтган бўламан. Термиз дарё порти орқали юборилган кўплаб миқдордаги моддий ёрдам бунинг ёрқин далили. Ўттиздан ортиқ вилоятда 23 йилдан сўнг янги ҳаёт бошланди. Афғонистон қайта дунёга келди.

Суҳбат билан бўлиб Ғузорга етганимизни ҳам сезмай қолдик. Нурафшон чироқлар гўё тунни кунга айлантирган-дек — ҳаммаёқ ёп-ёруғ. Меҳмонларнинг ҳаваси келаётгани уларнинг юзларидан ҳам шундоқ сезилиб турарди. Тўкин дастурхон атрофида овқатландик. Яратган эгам шу ютдан тинчликни, ризқу-рўзни айирмасин, деб дуо қилишди меҳмонлар. Илоҳим шундай бўлсин!

... Китоб довони! Шарқираб оқаётган булоқ сувидан қониб-қониб ичдик. Чўққидан қадимий Кешни томоша қилдик. Балки шу тоғлардан соҳибқирон Амир Темур бобомиз ўтаётган чоғларида юртни обод қилиш ҳақида ўйлагандир. Сароймулкхоним мана шу тоғлар тепасидан Самарқандга боқиб гўзал обидалар қуришни орзу қилгандир. Бу ердан ёш Улуғбек тонг оғушида осмонларга боқиб, юлдузлар билан сирли суҳбатлашган, шу-шу юлдузлар оламига бир умр ошно бўлгандир.

Атрофга суқланиб, завқланиб қарайман. Ҳаммаёқ ям-яшил, тоғлар гўзалдан гўзал, виқорли... Шу юрт фарзанди эканлигимдан ичичимдан ғурурланаман.

... Қадимий Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари ҳам ортда қолди. Мусаффо тонг оғушида пойтахтга кириб бордик. Бизни озод юртимизнинг янги тонги, янги куни қарши олди...

■ **Абдумалик ҲАЙДАРОВ**

МУҲИМ ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Жорий йилнинг 30 апрелида Тошкентда Германиянинг Конрад Аденауэр фонди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси томонидан ташкил этилган Ўзбекистондаги сиёсий партиялар вакиллари ва Европа парламенти депутатларининг халқаро конференцияси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларнинг етакчилари ва минтақавий ташкилотлари раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси қатор депутатлари, Европа парламенти аъзолари гуруҳи, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар ва бўлажак парламент ислоҳотига тегишлича тайёргарлик кўриш, ушбу ишда Европада, хусусан, Германияда тўпланган тажрибадан фойдаланиш масалалари асосий ўрин эгаллаган анжуманда маърузалар тингланиб, қизғин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ректори А.Азизхўжаев, Европа парламентининг Марказий Осиё давлатлари ва Мўғулистон билан алоқалар бўйича депутатлар гуруҳи аъзоси Элизабет Йеггле хоним, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Э.Воҳидов, «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши биринчи котиби Т.Даминов, «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби И.Гофуров, «Фидокорлар» миллий демократик партияси Марказий Кенгаши котиби А.Болиев, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби А.Жалолов, ГФРнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Мартин Хеккер, К.Аденауэр фонди марказий бошқаруви аъзоси, профессор Гюнтер Ринше, Бундестаг маъмуриятининг собиқ директори Рудольф Кабель, Ўзбекистон ташқи ишлар вазири ўринбосари И.Неъматов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Хавфсизлик ва мудофаа масалалари бўйича қўмитаси раиси, «Фидокорлар» МДП фракцияси раҳбари А.Турсунов, К.Аденауэр фондининг Марказий Осиё минтақасидаги мухтор вакили Вольфганг Шрайбер, мазкур фонд Дўстлари клуби президенти Х.Абдураимов ва бошқалар сўзга чиқдилар ҳамда йиғилганларнинг кўплаб саволларига жавоб бердилар.

Конференция иштирокчилари Ўзбекистон билан Европа давлатлари ўртасидаги иқтисодий, маданий, сиёсий, шу жумладан парламентлараро алоқаларни янада ривожланириш, мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислоҳотларда, ўзимизнинг тарихий анъана ва мавжуд имкониятларимиз билан бир қаторда, илғор жаҳон тажрибасидан самарали фойдаланиш зарурлигини алоҳида таъкидладилар.

■ **Собир ШЕРАЛИЕВ**

ПЛЕНУМ, ЙИҒИЛИШ ВА МАЖЛИСЛАР

Ўзбекистон ХДП **Сурхондарё вилоят кенгашининг** пленумида «Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси саккизинчи сессиясидаги маърузасидан, Ўзбекистон ХДП МК IV пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида»ги масалалар муҳокама этилди. Улар юзасидан вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Х. Эрматов маруза қилди.

Юқорида қайд этилган ҳамда ХДП **Жиззах вилоят кенгаши** ижроия бюросининг 2001 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисоботи ва партия ташкилотларининг «Қарияларни қадрлаш йили» муносабати билан вазифалари тўғрисидаги, масалалар ХДП Жиззах вилоят кенгаши пленуми қатнашчиларининг диққат-эътиборида бўлди. Унда ХДП Жиззах вилоят кенгаши биринчи котиби М.Иномовнинг маърузаси тингланди. Пленумда вилоят ҳокимининг ўринбосари Х.Иномжонов қатнашди.

ХДП **Нукус, Янгийўл, Оҳангарон шаҳар ва Қораўзак, Юқоричирчиқ, Бекобод, Янгийўл, Оққўрғон, Зангиота, Хўжайли туман кенгашлари** пленумларида асосий эътибор жойларда партиявий-ташкилий ва мафкуравий ишларнинг таъсирчанлигини ошириш, уларни аниқ йўналишда ташкил этишга қаратилди. Мазкур пленумларда, тегишлича, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика ва Тошкент вилоят кенгашлари биринчи котиблари А.Асанов, С.Аъзамов, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши масъул ходими С.Қурбонов, Тошкент вилоят кенгаши иккинчи котиби Н.Тоиров, Касаба уюшмалари Тошкент вилоят кенгаши раиси М.Тўлаганова, Оҳангарон шаҳар ҳокимининг ўринбосари Р.Ахророва, «Қарақалпакстан хауазы» газетаси бош муҳаррири А.Ибодуллаев, Қораўзак тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Авезов, Юқоричирчиқ, Бекобод, Зангиота, Оққўрғон туманлари ҳокимларининг ўринбосарлари Ш.Турсунбоев, Н.Эсонов, Х.Рустамова, М.Султонмуродова, Хўжайли тумани ҳокими Т.Уснитдиновлар иштирок этдилар ва сўзга чиқдилар.

ХДП **Навоий шаҳар кенгаши** бошланғич партия ташкилотлари котиблари йиғилишини ўтказди. Унда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, партия ташкилотларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлиги, уларнинг бу йўналишдаги тажрибалари тўғрисидаги масалалар йиғилиш қатнашчиларининг диққат-эътиборида бўлди. Навоий вилояти «Умида» нодавлат нотижорат ташкилоти котиби Г.Норқулова бу борада олиб борилаётган ишлар тўғрисида батафсил сўзлаб берди. Мулоқот давомида партия ташкилотлари фаолиятига таҳлилий назар ташланди ва керакли тавсиялар ишлаб чиқилди.

ПАРТИЯ ВА ЁШЛАР

ХДП **Сирдарё вилоят кенгаши** ҳузуридаги «Мулоқот» сиёсий-мунозара клубининг навбатдаги кўчма машғулоти Гулистон давлат университети қошидаги Янгиер академик лицей талабалари ўртасида ташкил этилди. «Давра суҳбати» «Маънавият-маданият — инсон шахсияти» мавзуда бўлиб, ёшларда юксак маънавиятни шакллантириш, улар иқтидорини эзгу ишларга йўналтириш каби масалаларни ўз ичига қамраб олди.

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

2002 ЙИЛ — ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари федерацияси курортлар бошқармасига қарашли 300 ўринга мўлжалланган «Бўстон» сиҳатгоҳида юрак-қон томир, асаб, генекология, андрология, урология касалликлари билан хасталанган беморлар даволанишади. Уларга тиббиёт тизимининг малакали фан номзодлари, олий тоифали шифокорлар хизмат кўрсатмоқдалар. Сиҳатгоҳда дам олувчилар учун барча шарт-шароитлар муҳайё.

Яқинда бу ерда «Қарияларни қадрлаш йили» муносабати билан табаррук отахону онахонларимиз учун алоҳида қулайликларга эга яна 60 та ўрин ишга туширилди.

— Мақсадимиз, — дейди сиҳатгоҳ бош шифокори Ирода Набиева, — кексаларимиз дардига малҳам бўлиш. Уларнинг дуоси биз учун олтиндан ҳам қиммат. Шу боиски, ҳар бирига ҳамшира ва шифокорлар ажратдик.

Суратларда: сиҳатгоҳ ҳаётидан лавҳалар.

■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

БИР ҚУРИЛИШ ТАРИХИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

— «Навоийтекс» Навбаҳор учун жуда тўғри танланган, — дейди у, — мазкур туманда йилиги 28-29 минг тоннага етказиб пахта хомашёси тайёрланаяпти. Туманнинг 11 та йирик пахтачилик ширкат хўжаликлари бўлишига қарамасдан пахтага қайта ишлов берувчи бирорта кичик корхона йўқ. Жумладан пахтачиликка йўналтирилган Навоий туманида ҳам аҳвол худди шу. Ана шулардан келиб чиқиб, пахтакор хўжаликлари оралиғи, яъни, Зарафшон дарёсининг ўнг соҳилига яқин жой — комбинат қурилиши учун энг мақбул, деб танланди.

Дарвоқе, А. Алиқулов қайд этганича бор. 1993 йил 12 майда республика Молия вазирлигида рўйхатдан ўтган қурилишнинг истиқболи порлоқ эди. Афсуски, қувонч узоққа чўзилмади. 1995-96 йилларда жадал бошланган комбинат қурилиши лойиҳадаги қусурлар ва маблағ баҳона тўхтаб қолди. Қурувчилар эса ҳаш-паш, дегунча «қуён» бўлишди. Биз ўша кезлари муайян муддат корхона қурилишига раҳбарлик қилган, унинг молиявий аҳволини яхши билган Тошпўлат Болтаевнинг ҳам фикрини олдик.

— Ҳамма гап маблағда, — дейди у, — ҳозирги бозор муносабатлари даврида жаҳон андозаси даражасидаги бу корхона учун камида 1,5-2 миллиард сўмлик маблағ лозим. Бунинг устига қурилажак комбинат лойиҳаси, яъни ер ости қувурлари, оқова, чиқит сувлар йўналиши хусусида жиддий бош қотирмоқ даркор. Нима бўлганда ҳам қарийб 40 фоиз қурилиши уддаланган корхонанинг биринчи навбатини жорий йилдаёқ ишга тушириш керак.

Энди қисқача қўшма корхонанинг ташкилий даври ва унинг таъсисчиси хусусида: улар асосан Навбаҳор туманининг 11 та пахтакор хўжаликлари ва Италиянинг «АТС» фирмасидир. Аниқроғи, 13 миллион АҚШ доллари эвазига қуриладиган «Навоийтекс»нинг 80 фоиз маблағини ширкат хўжаликлари пахта тайёрлаш шартномавий режасидан ортиқча 20 фоизлик тола эвазига қоплаши жоиз эди... «АТС» фирмаси эса 20 фоизлик сармоя киритиб, корхонани чет эл асбоб-ускуналари билан тўла жиҳозлаши кўзда тутилганди. Бироқ, ҳаммаси шунчаки ҳавас экан. Бетон плиталар ростланиб, деворлар тикланиб, аксарият бинолар усти ёпилай, деганда маблағ тугади. Оқибатда, пудратчи саналган республика «Ўзагроқурилиш» бошқармасининг Навоийдаги 377 хўжаликлараро механизациялашган кўчма жамланмаси қурувчилари бошқа бу-юртма олиб ишни ташлаб кетишди.

Шу-шу қурилиш маш-машаси ҳам, миш-миши ҳам баттар авж олди. Не-не ёмғирда ивиб, ўт-ўланлар орасида ташландиқ ҳолда ётибди.

— Излаган имкон, қидирган макон топади, — дейди Навбаҳор туман ҳокимининг қурилиш ва транспорт ишлари бўйича ўринбосари Суюнбой Ҳамроев. — Биз қараб турганимиз йўқ. Республика ҳукумати ва вилоят ҳокимлигига «Навоийтекс» қўшма корхонасига маблағ, моддий ёрдам сўраб ўнлаб хат ва мурожаатлар билан чиқдик. (У бир даста хатларнинг кўчирма нусхасини бизга тутқазди).

«Вилоят ҳокими Ф.Д. Диловга Ҳурматли Файбулло Дилов!

Навбаҳор туманидаги «Навоийтекс» қўшма корхонаси 1993 йилда ташкил этилган бўлиб, қурилиши керак бўлган корхонанинг 1991 йил нархидаги смета қиймати 5983,4 минг сўмни ташкил қилади. Корхона қурилиши 1994-1996 йилларда туман корхонага бош директор ҳамда «Навоийтекс» деган юмалоқ штампга эга бўлган Роман Шултиев ҳам айтарли оёқдан қолди. Маҳаллий ижрочи муассислар вақтида тола ва маблағ ажратмагач, италиялик ҳамкорлар ҳам чала бинога асбоб-ускуна келтиришдан бўйин товлашди. Қарабсизки, бўлажак комбинат «отангга бор, онангга бор» қабилида қорхўжаликлари маблағлари ҳисобидан бошланиб, «Агроқурилиш» трести томонидан 175,2 минг сўмлик қурилиш ишлари бажарилган. Кейинги йилларда қурилиш маблағ билан таъминланмаганлиги сабабли тўхтаб қолган.

Навбаҳор тумани учун ушбу қўшма корхонани ишга тушириш жуда катта аҳамиятга эга. Корхона ишга тушиши билан 300 га яқин иш жойлари очилади. Йилига 1638 тонна ип калава маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотни бир қисмини чет элга сотиш имконияти туғилади. Сиздан ушбу корхона қурилишини давом эттириш учун керакли чет эл сармоядорларининг маблағларини жалб қилинишига амалий ёрдам кўрсатишингизни илтимос қилиб сўраймиз.

Ҳурмат билан туман ҳокими ўринбосари С. Ҳамроев.

21 февраль, 2000 йил.

Энди вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Евтушенконинг ушбу сўров, талабнома хатига йўллаган жавоб хатини ҳам тахрирсиз, келтирмоқчимиз:

Навбаҳор тумани ҳокими ўринбосари С. Ҳамроевга.

Сизнинг 2000 йил 21 февралдаги 04/89-сонли хатингизга!

Сиздан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига ўрганиш, чет эл сармоядорларни таъминлаш ва тақдим этиш учун Навбаҳор туманидаги «Навоийтекс» корхонаси рахбарини Навоий вилояти Ташқи иқтисодий алоқалар бошқармасига қуйидаги ҳужжатлар (лойиҳанинг таъсис ҳужжатлари, техник-иқтисодий жиҳатдан асослаш (ГЭО), чет эл асбоб-ускуналарни олиб келиш шартномаси, банк, ЎзР Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 21 апреллаги 203-сонли карори бўйича ишчи комиссиясининг хулосалари, корхонанинг 2000 йил 1 январь молиявий ҳолати) билан келишини таъминлашингизни сўрайман.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари С. Евтушенко».

Эҳ, қани эди хатлар билангина иш битса?!

Юртбошимиз қўшма корхоналар сонини кўпайтириш, чет эл сармоядорларини иложи борича кўпроқ жалб этиш хусусида такрор ва такрор қуюнчаклик билан гапириб келмоқда. Хўш, вилоятда бунга амал қилинаяптими? Хатирчи, Қизилтепа, Навоий, Навбаҳор каби пахтакорқишлоқ туманларида пахтани қайта ишлайдиган, уни замонавий тарзда калавалайдиган кичик корхоналар борми? Йўқ! Вилоятда 10 минг нафарга яқин фуқаро ишсиз, бунинг тенг ярми хотин-қиз бўлишига қарамай «Навоийтекс» каби истиқболли корхона маблағсиз, сармоясиз қишу ёз чиласини кўраверса-я.

— Мазкур корхона айнан бизнинг хўжалигимизда қурилаётганини эшитиб, бошим осмонда эди, — дейди навбаҳорлик Санам Усмонова. — Агар у тезроқ ишга тушса ип йигирувчи бўлиб ишга кирардим.

Бу каби дил сўзларини навоийлик Гулчеҳра Эгамова, Рисолат Холматова, арабсаройлик Кумуш Тоғаевадан ҳам эшитдик. Афсуски, бу ҳали орзу. Наздимизда, корхона ишга тушиши учун ҳали бир нечта қовун пишиғи ўтадиган кўринади.

Шу кунларда Навоийда яна миш-миш: «Навоийтекс»га маблағ топилганмиш. Чет эллардан ҳамкор, сармоядор келганмиш», «Бу гапларга ҳам ишониш қийинмиш...»

■ **Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

МАВЗУГА ҚАЙТИБ

Йиғилганлар жамият ҳаётининг гултожиси — маънавият қирралари, одоб-ахлоқ, илм-фан, маърифатга таяниш, шарқона фазилатлар ва умуминсоний хислатларни ёшликдан тарбиялаш ҳақида ХДП вилоят кенгаши иккинчи котиби Ҳ.Ортиқбоева ва Янгиер шаҳар ҳокимининг ўринбосари К.Абдуллаевларнинг чиқишларини тингладилар.

ХДП **Қарши шаҳар кенгаши** ёш партия аъзоларини «Мулоқот» клубининг йиғилишига таклиф этди. Олий Мажлиснинг саккизинчи сессиясида давлатимиз раҳбари сўзлаган «Янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни ортга қайтмайди» мавзуидаги маърузани ўрганишга бағишланган ушбу машғулотда мазкур туман партия кенгашининг биринчи котиби Ю.Амирқулов, туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кенгашининг раиси Д.Азизова, «Маҳалла» жамғармаси туман бўлими раиси С.Қаршиев, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгашининг раиси Э.Норқобилов, Ойбек ва А.Темур номли мактаблар ўқитувчилари Л.Турсунова, Н.Пўлатова, К.Бахриддиновлар сўзга чиқдилар ва ёшларни қизиқтирган саволларига жавоб бердилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ саккизинчи сессияси якунлари ва Ўзбекистон ХДП МК IV пленумининг қарорларини ўрганишга бағишланган мулоқот партия **Қамаши туман кенгаши** томонидан ташкил этилди. Йиғилганларнинг эътибори демократик ислоҳотларининг янги босқичидаги муаммоларига қаратилди. Анжуманда иштирок этган партия фаоллари, давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари вакиллари мамлакатимизда демократик жараёни кенгаётганлиги ва сиёсий ислоҳотларни амалга оширишда ХДП ташкилотларининг иштироки тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

ХДП **Қашқадарё вилоят кенгаши** Қарши шаҳри Агротадбиркорлик коллежи ўқитувчи ва талабалари ўртасида учрашув ўтказди. Сухбат давомида ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгашининг биринчи котиби, Олий Мажлис депутати Ф.Омонов парламентда қабул қилинган қарор ва ҳужжатлар мазмун-моҳияти, уларнинг демократик жамиятни барпо этишдаги аҳамияти ҳамда ХДП ташкилотларининг амалий ишлари тўғрисида гапириб берди.

ХДП **Сергели туман кенгаши,** тумандаги маиший хизмат касб-ҳунар коллежи маъмурияти билан ҳамкорликда, «Миллий истиқлол ғояси ва ёшлар» мавзуида, учрашув ўтказди. Миллий истиқлол ғоясининг асосий тамойиллари, тушунчалари тўғрисида республика «Маънавият ва маърифат» маркази бўлим бошлиғи Т. Содикова маъруза қилди.

Тадбирда ХДП Сергели туман кенгашининг биринчи котиби Л.Исматова туман партия ташкилотларининг ёшлар билан олиб бораётган фаолияти тўғрисида сўзлаб берди ва коллежнинг бир гуруҳ талабаларига партияга аъзолик билетларини топширди.

ХДП **Қораўзак туман кенгаши** тумандаги 28-сон мактаб, марказий касалхона, маданият уйи, санъат мактаби ва бошқа қатор бошланғич партия ташкилотларида «Ёшлар — мамлакатимиз келажаги» мавзуида, учрашувлар ташкил қилди. Очиқ мулоқот тарзида ўтган ушбу тадбирларда мазкур туман партия кенгашининг биринчи котиби К. Дўстназаров ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлимининг раиси С. Тулеуниязовлар мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ислоҳотлар, фуқаролик жамиятининг асосий белгилари, сиёсий партия ва жамоат ташкилотларининг жамиятда тутган ўрни тўғрисида сўз юритиб, ёшларни қизиқтирган кўпгина саволларига жавоб бердилар.

ХДП **Урганч шаҳар кенгаши,** «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ташкил топганлигига бир йил тўлиши муносабати билан, мазкур ҳаракатнинг шаҳар бўлими билан ҳамкорликда, «Уч авлод учрашуви»ни ўтказди.

Ушбу муносабат билан ёзилган дастурхон атрофида партия фаоллари, меҳнат фахрийлари, корхона, ташкилот, ўқув муассасаларида фаолият кўрсатаётган ёшлар ташкилотлари етакчилари мамлакатимиз келажаги, ёшларнинг имкониятлари, уларни жамоат ишларидаги иштироки, сиёсий фаоллигини ошириш ҳақида суҳбат қурдилар.

Тадбир сўнггида ёш санъаткорлар концерт дастури билан учрашув қатнашчиларини хушнуд этдилар.

ЗАМИНИМИЗ ҲИМОЯСИГА БАҒИШЛАНДИ

Халқ демократик партияси Наманган вилоят кенгаши билан «Экосан» халқаро жамғармаси вилоят бўлими Бутунжаҳон ер кунига бағишлаб машварат ўтказди.

Она ер меҳрга, муҳофазага муҳтож. Зеро, у ризқ-насибамиз манбаи, тирикчилигимиз асоси. Ватан, юрт, хонадон. Шу боис, заминга Она сўзи қўшиб изҳор этиладики, муқаддас тупроқ одамзодга азиздир. Бироқ глобал замонамизда ерга нисбатан эътибор талаб даражада эмас. Унинг таркиби, донадорлиги, мелиоратив ҳолатини соғлом тутишда камчиликлар кўп. Машваратда сўзга чиққанлар шулар ҳақида куйиниб гапирдилар, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ҳар қаричи эътибор ва эъзозга, асрашга лойиқ экани таъкидланди.

Ҳамкор ташкилотлар уюштирган йиғин заминимизга алоқадор қимматли маълумотларга, баҳс ва таклифларга бойлиги билан эсда қоларли бўлди.

■ **Маҳмуджон ПАРПИЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ПАСПОРТ — МУҚАДДАС ҲУЖЖАТ

— 1995 йилдан буён 1 миллион 200 мингдан зиёд фуқароларимиз миллий паспортлар билан таъминланди, — деди Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ Хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролик бўлими бошлиғи, милиция майори Қунназар Сарбоев **«Туркистон-пресс» мухбирига.** Аммо паспортларимизни йўқотиб қўйдик, деб ариза берувчиларнинг сони кўпайиб кетди. Жорий йилнинг уч ойи мобайнида шундай сабаблар билан 1242 нафар фуқаро паспорт олди.

Қ.Сарбоевнинг таъкидлашича, айрим фуқароларимизнинг қўшни давлатларда паспорт тизими қоидаларини бузиб, жарима тўлашдан бош тортиб, ички ишлар бўлимларига ўзларининг ҳужжатларини ташлаб кетаётганлиги маълум бўлган. Хусусан, март ойида Қозоғистон Республикаси, Беннеу тумани ички ишлар бўлимига хат юборилганда, 354 фуқаронинг паспорт, ҳарбий билетлари, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларини ташлаб кетганлиги аниқланди.

ИҚТИСОД ВА ИСЛОҲОТ

УН – ОҚЛИК, ТЎКИНЛИК, ТЎҚЛИК РАМЗИ

ОДДИЙ ТЕГИРМОНДАН ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИГАЧА БЎЛГАН ЙЎЛНИ БОСИБ ЎТГАН КОРХОНА ФАОЛИЯТИДАН ҲИКОЯ

Бу тонг ҳам корхонанинг меҳнат куни қизғин бошланди. Дарвоза кенг очилиб, ичкаридан кетма-кет улкан цистерналарда ун ташишга мўлжалланган махсус транспорт воситалари чиқа бошлади. Улар кетидан ун қоплари ортилган оддий юк машиналари ҳам ҳаракатга келди.

— Махсус машиналар унни нон заводларига, юк машиналари эса дўконларга олиб боради, — изоҳ берди ҳамроҳимиз. — Қаранг, гўё элюртнинг ризқ-насибасини опичлаб шошаётган карвонга ўхшайди улар... Юртимиз тўкинлиги, дастурхонимиз бутунлиги тўқлигимиз рамзи, бу!..

...Очлик, қашшоқлик, қаҳатчилик ва оғир уруш йилларини эсланг. Ўшандай кезларда ҳам мамлакатимиз пойтахти сазовор бўлган шарафли таърифлардан ҳам бирини ёдга олинг: «Тошкент — нон шаҳри!» Бунга Ўрта Осиёдаги энг тўғриг корхоналардан саналмиш — Тошкент механизациялашган «тегирмон»и ишчи-хизматчиларининг ғайрат-шижоати ҳам сабаб бўлган бўлса, не ажаб! 1909 йилдан буён (салкам бир аср!) аҳолига ун ва ун маҳсулотлари етказиб бераётган завод ҳақида сўзлаш ва ёзиш ҳам масъуллиятли, ҳам мароқлидир.

Мамлакатимиз мустақиллиққа эришгандан сўнг корхонани ғалла билан таъминлашда муайян муддат узилишлар юз берганлиги бор гап. Зеро, мустабидлик йиллари республикамизнинг барча экин майдонлари муттасил пахта билан банд бўлиб келди-да. Юртбошимиз ва ҳукуматимиз ҳурриятнинг илк кунлариданоқ зудлик билан Ватанимизнинг ғалла мустақиллигини таъминлаш йўлида чора-тадбирлар кўрди. Натижада бу мустақиллик ҳам қўлга киритилди.

Тегирмон 1995 йилда очиқ акциядорлик жамиятига айлантирилди. Орадан икки йил ўтиб, унга «Ғалла — Алтег» номи берилди. Акцияларнинг 30 фоизи давлатга ўтди. Йигирма фоизи корхонада қолди. 50 фоизи хусусийлашган сармоя жамғармалари орқали сотилди. Уларни сотишдан тушган маблағ ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга сарфланди. Шундан сўнг, корхонада хомашё таъминоти яхшиланди. Давлат йўли билан келтирилаётган ғалла миқдори ортди.

Мана, биз корхона лабораториясидамиз. Бу ер таъ-

бир жоиз бўлса, тегирмон боши. Жами хомашё шу ерда сараланади. Доннинг сифати ва намлик даражаси аниқланадиган бу мажмуа яқинда янги бинога кўчиб ўтди. Унга ёнма-ён бўлган механика цехида тегирмон линиялари, дастгоҳлар таъмирланади. Эҳтиёт қисмлар ҳам шу ерда тайёрланади. Эндиликда бутловчи қисмларни ўзга юртлардан келтиришнинг ҳеч ҳам ҳожати йўқ.

Корхона ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ рақамларга назар ташланг: ўтган йили бу ерда 127 минг 990 тонна буғдой қайта ишланди. 629 тонна буғдой ёрмаси, 20 минг 322 тонна олий навли, 68 минг 630 тонна биринчи, 9 минг 618 тонна иккинчи навли ун ишлаб чиқарилди. 1357 тонна макарон, 309 тонна қадоқланган ун тайёрланди.

Даромад баракали бўлди. Йил давомида 10 миллиард 840 миллион 122 минг сўмлик тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилди. Маҳсулот сотиш миқдори 157,1 фоизни ташкил этди. Ваҳоланки, 2000 йилда 6 миллиард 899 миллион 960 минг сўмлик маҳсулот сотилганди. Ишчи-хизматчиларга берилган ойлик маош эса ўртача 60 минг сўмни ташкил этди. Бу — ўтган йилнинг ўзида ойлик иш ҳақининг 2 баравар кўтарилганидан дарақдир.

Айни пайтда корхонанинг соф даромади ҳам кўпайиб борди. 2001 йилда бу кўрсаткич 599 миллион 288 минг сўмни ташкил этди. Ушбу маблағ ўтган йил натижаларига кўра акциядорларга тўланадиган дивидендлар, корхонани техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, жамият ишчи-хизматчиларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш сингари жараёнларга сарфланди. Бир акциянинг номинал қиймати 1500 сўмга кўтарилиб, корхонанинг Низом жамғармаси 3 бараварга ошди: 36 миллион 831 минг сўмдан 122 миллион 650 минг сўмга етди.

— Президентимиз Ислом Каримовнинг 2001 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилги вазифаларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган нутқи корхонамиз фаолияти учун бамисли дастуриламал бўлди, — дейди жамият бошқаруви раиси Бахтиёр Раҳимов. — Моддий ресурслардан тежамли фойдаланиш йўли билан ишлаб чиқаришга кетадиган материал, хомашё, электр энергиядан оқилона фойдаланиш ва истеъмол бозорига сифатли, харидоргир маҳсулотлар етказиб беришга ҳаракат қиляпмиз. Қолаверса, бу борада Республика ҳукумати, «Ўздонмаҳсулот» давлат акциядорлик корпорацияси бизни астойдил қўллаб-қувватламоқда. Хомашё таъминотида аниқ маромга тушдик. Ишлаб чиқариш биноларини таъмирлаш, уларни янги-янги технологик жараёнлар билан бойитиш учун қатор тадбирлар кўраяпмиз.

Бу йил корхонада кўп йиллардан буён давом этиб келаётган яна бир муаммони ҳал этиш арафасидамиз. Ҳозиргача ғалла чиқиндиси ва кепакни қайта ишлаш учун бошқа вилоятлар (Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Жиззах)га жўнатардик. Бунинг устига йўл харажати — 28 миллион сўм ҳам корхонамиз зиммасида эди: эндиликда, шу ернинг ўзида омухта озуқа цехи қурилишига киришилди. Ҳисоб-китобларга кўра, янги цех қурилиши корхонага 250 миллион сўмга тушар экан. Корхона ишга тушгач, бу харажатлар 2 ярим йилдаёқ қопланади ва корхонага ҳар йили қўшимча 90 миллион сўм фойда келтиради.

Яна бир янгилик: корхонада илгари тарози йўқ эди. Қайта ишлаш учун келган буғдой гоҳ Тошкент Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи, гоҳ Тошкент товар станцияси тарозиларида тортиларди. Бунинг эвазига корхона йилига 30 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфларди. Энди эса, корхонанинг вагонларда келтирилган ғаллани ўлчаш учун махсус ўз тарозилари бўлиб, улар 27 миллион сўм харажат талаб қилади, холос.

Корхона жамоаси тегирмон мажмуасини янада такомиллаштириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун Швейцариянинг «Бюллер» фирмаси билан шартнома тузди. Ҳамкорлар олдин кўҳна корхонани «цехлари» торлик қиладими деган хавотирда уни яхшилаб кўздан кечиришди ва сўнггида «янги дастгоҳларни ўрнатиш мумкин», деган қарорга келишди. Ҳозирда эса уни молиялаштириш масаласи кўндаланг бўлиб турибди. Ҳар ишда тадбиркор меҳнат жамоаси бу режани ҳам амалга ошириш учун корхонада 2001 ва 2002 йилларда олинган ва олинадиган даромадларининг бир қисмини шу соҳага сарфлашни кўзда тутишган.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, корхонада ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий муҳофазасига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Барча касб эгалари махсус кийим-кечаклар билан таъминланди. Саломатликка хавф туғдирувчи ихтисосликда ишловчилар учун зарур шарт-шароитлар билан бирга парҳез таомлар таъминоти йўлга қўйилди. 5 хонали янги саломатлик маркази ишга туширилди. Кўп болали оилаларга 950 минг сўм, мактаб ёшигача гўдаклари бор ишчи-хизматчиларга 880 минг сўм ёрдам пули берилди. Халқимизнинг Наврўз, Ҳайит, Мустақиллик сингари улуғ байрамларида нафақат ишлаб турган жамоа, балки меҳнат фахрийлари, пенсионерлар ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ.

Ҳа, ҳиссадорлик жамияти аъзоларининг бу йилги кайфиятлари ўзгача. Йилни яхши бошлаган корхона ишчи-хизматчилари «Қарияларни қадрлаш йили»да астойдил меҳнат қилишларига ишончимиз комил.

■ **Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,**
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

ЭҲТИРОМ

МАНФААТЛАР ТАДҚИҚОТЧИСИ

...Искандар Зулқарнайндан, «Нима сабабдан, отангиздан кўра, устозларингизга ҳурматингиз баланд?» деб сўраганларида, у киши «Отам мени осмондан ерга туширган, устозим эса мени ердан осмонга кўтарган», деб жавоб берган экан. Ўйлаб қарасангиз, бу шунчаки эмас, талай мазмун ва моҳиятни ўзида мужассам этган жавобдир.

Назариётчи ва иқтисодчи олим Муҳаммаджон Абдурасуловни кўз олдимга келтирар эканман, юқорида зикр этилган фикрлар нечоғлик ҳаққоний эканлигига ишонаман. У киши юзлаб ёшларни илм чўққиларини забт этишларида, юртга сидқидилдан хизмат қилишларига сабабчи бўлган мўътабар устозлардан биридир. Табиатан салобатли, босиқ бу инсон ёшларга фақат сабоқ бериб-гина қолмай, инсоний меҳр улашаётган саховатли кишидир.

1932 йилда деҳқон оиласида фарзанд дунёга келди. Болалигиданоқ ақлли ва зийраклиги билан яқинларини ҳайратга солган Муҳаммаджон даставвал, барча сингари ўрта мактабда, кейин Тошкент молия-иқтисод институтида таҳсил олиб, 1954 йилда уни имтиёзли диплом билан тугатди...

Муҳаммаджон Абдурасуловнинг устозлари институтнинг ўзида қолиб ишлашини таклиф этишади ва у аввал фаолиятини иқтисодий география кафедрасида катта лаборантликдан бошлаб, кейинчалик турли вазифаларда ишлади, илм ўрганди. Дарвоқе, шу орада у аспирантурада ҳам таҳсил олиб, фан номзоди илмий даражага эришди.

Илмда ва ҳаётда бирмунча тажриба тўплагач, Тошкент электр-техника алоқа институтининг сиёсий иқтисод кафедрасида катта ўқитувчи сифатида фаолият юрита бошлади. Ана шундан кейин Муҳаммаджон ака ёшларга билим бериш билан янада жиддий шуғулланди. Йиллар силсиласида домла ҳақиқий мураббий сифатида ардоқланди, азиз тутилди. Устоз ҳозир ҳам шу даргоҳда ёшларга зиё тарқатаяпти.

У 1989 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Ҳозирги кунда устознинг кўплаб шогирдлари мамлакатимиз ва МДҲ давлатларида масъул вазифаларда ишлашяпти. Ўзи эса 300 га яқин илмий-оммабоп, назарий-услубий мақолалар муаллифи. Яна қанчадан қанча монография-ю рисолалар...

Бугунги кунда жамиятда манфаатлар муаммосини ўрганиш, шахс манфаати ва жамият манфаати ўртасидаги муштараклик мавзуини мушоҳада этиш энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолди. Халқлар муносабатини манфаатлар бошқаради. Инсон фаолияти, фикри замирида манфаатлар ётади. Манфаатлар жамият аъзоларининг моддий ва маънавий эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлган восита. Муҳаммаджон Абдурасулов мана, 30 йилдирки, манфаатлар намоён бўлиши жараёнида меҳнатни ташкил қилиш ва унинг Ўзбекистондаги хусусиятлари муаммолари устида илмий иш олиб бормоқда.

Устоз ҳозир етмиш ёшдалар. Бироқ ҳали ҳам бардам, тетик. Ҳали ҳам илмга чанқоқ, ҳали ҳам илм истайдилар. Эзгулик илинжида юрган устознинг умрлари узоқ бўлсин.

■ **Азим ШАРИПОВ,**
иқтисод фанлари номзоди, доцент



ИНТЕРНЕТ ФИРИБГАРИ 25 ЙИЛГА ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ЭТИЛДИ

Душанба куни канадалик 26 ёшли Кэрри Вэж интернет орқали молиявий фирибгарлик қилганликда суд томонидан айбдор, деб топилди ва 25 йилга озодликдан маҳрум этилди ҳамда алданган мижозлар суммасини икки баравар тўлаб беришга ҳукм қилинди. Бу товламачи 13 минг одамни 60 миллион долларга чув туширган.

Гап шундаки, Вэж ўзи ташкил этган Tri-West investment Club интернет-компанияси орқали инвесторларга мурожаат этиб, компания ҳисобига пул ўтказиб, йиллик 120 фоиз фойда олишларини уқтирган. Унинг бу каби алдовига 13 минг одам лаққа тушган.

Компанияга ўтказилган пулларни эса Вэж ўз манфаати учун ишлатаверган, яъни Мексикадан кўчмас мулклар, шунингдек, автомобиллар, яхта ва вертолёт сотиб олган.

УЧУВЧИЛАР ИШ ТАШЛАШМОҚЧИ

Франциянинг Air France авиакомпанияси учувчилари касаба уюшмаси тўрт кунлик иш ташлашни мўлжаллаб турибди, агарки авиакомпания раҳбарияти билан маълум бир музокарага келинмаса. Шунда пайшанбадан якшанбагача учувчиларнинг иш ташлаши ўтказилади. Учувчилар ойлик иш ҳақини 1,5 фоизга оширишни талаб этиб чиқишмоқчи.

ЁНАЁТГАН ЎРМОНЛАР

Узоқ Шарқда яна хавфли ёнғин мавсуми бошланди. Россия Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Узоқ Шарқ ҳудудий маркази вакили берган маълумотларга кўра, шу кунларда 17 та олов «ўчоғи» мавжуд бўлиб, 830,5 гектар майдонда ёнғин давом этмоқда. Шундан 292,5 гектари ўрмонлардир. Энг катта ёнғин Амур вилоятида зикр этилган. Аҳоли яшаш марказлари, ишлаб чиқариш объектлари ва қўриқхоналар учун ҳозирча ёнғин хавф солмаяпти. Ҳудудий марказнинг жанговар навбатчиси хабар беришича, шу кунларда ёнғинни ўчириш учун 327 нафар ўт ўчирувчи ва 59 та техника сафарбар этилган.

ТУРКИЯГА БОРАДИ

Туркиянинг Европа Иттифоқи таркибига кириши учун амалга оширилиши зарур бўлган ислоҳотлар жараёнини тезлаштириш мақсадида Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр Туркияга ташриф буюради. Туркия Европа Иттифоқига фақат бир неча йилдан кейин қабул қилиниши кутилмоқда. Негаки, бу давлатда инсон ҳуқуқларига риоя қилиш анча паст даражада бўлиб, ЕИга аъзо давлатларга қўйиладиган мажбурий талабларга жавоб бермайди.



ЖИРҒА УЧУН САРФЛАНАДИ

Япония ҳукумати Афғонистонга 2,7 миллион АҚШ доллари миқдорида моддий ёрдам ажратишга қарор қилди. Япония ташқи ишлар вазири Иорико Кавагутининг айтишича, мазкур маблағ июнь ойида умумафғон ассамблеяси — Лойя жирғани юқори савияда ўтказиш учун сарфланади. Мазкур маблағ БМТ Бош котибининг Афғонистондаги махсус вакили Лаҳдар Браҳимийнинг илтимосига биноан ажратилди.

АҚШГА ҚОЧИБ КЕТИШИБДИ

Венесуэладаги давлат тўнтаришида иштирок этган ва Уго Чавесни президентлик ваколатидан маҳрум этишда қатнашган юқори мартабали уч нафар ҳарбий оиласи билан Боливия орқали АҚШга учиб кетган.

Боливия ташқи ишлар вазири тарқатган манбаларга қараганда, ўз хавфсизлиги ва озодлиги ташвишида 10 нафар Венесуэла фуқароси Боливиянинг Каракасдаги элчихонасига сиёсий бошпана сўраб мурожаат этган. «Бу одамлар Боливия орқали учинчи мамлакатга учиб кетишларига рухсат сўраган. Венесуэла ва учинчи мамлакат ҳукумати билан маслаҳатлашилгач, давлат раҳбарияти қочоқлар илтимосини қондиришга рухсат берди. Якшанба куни тунда улар Санта-Крусга, сўнг душанба куни эрталаб АҚШга жўнатилди», деб хабар беради Боливия ташқи ишлар вазири.

«УМИД НИҲОЛЛАРИ» СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Эътиборлиси, «Умид ниҳоллари» республика спорт ўйинлари нафақат мусобақалардан иборат бўлди, балки, ёш спортчилар гўзал Фарғонанинг сўлим табиати, меҳмондўст ва дилкаш халқи билан яқиндан танишдилар. Кўҳна Марғилон ва вилоятнинг бошқа турли шаҳар ҳамда қишлоқларида ўтган учрашувлар, шеърият кечалари, куй-қўшиқ базмлари, дискотекалар ёшларга завқ-шавқ бағишлади. Мусобақа баҳонасида Тошлоқ туманининг «Қалача» қишлоғида «Умид ниҳоллари» боғи барпо этилди.

Илк бор ўтказилган «Умид ниҳоллари» республика спорт ўйинларининг яна бир аҳамиятли томони мамлакатимизда Юртбошимиз раҳбарлигида яратилган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида кўзланган узлуксиз таълим тизимига мос ҳолда умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ҳамда олий ўқув юртлари талабаларини жисмоний тарбия ва спортга оммавий тарзда жалб қилишга қаратилган уч босқичли яхлит спорт тизимининг ҳаётга тўла татбиқ этилганлигини кўрсатиб берди.

Ўйингоҳ узра қаяжонли дақиқалар — «Умид ниҳоллари» республика спорт ўйинлари ғолибларини эълон қилиш ва тақдирлаш тантаналари бошланди. Умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаган Тошкент шаҳри вакиллари мусобақанинг бош соврини билан тақдирланди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Умид ниҳоллари» республика спорт ўйинлари ғолиб жамоасига йўллаган Табрик хатининг асл нусхаси, «Дамас» автомобили ва I даражали дипломни Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев ҳамда Фарғона вилоят ҳокими А.Отабоевлар топширди.

Мусобақаларнинг II даражали дипломи ҳамда «Дамас» автомашинасига Фарғона вилояти ёш спортчилари сазовор бўлишди. Уларга мукофотларни республика Бош вазири ўринбосари Ҳ.Кароматов ва республика Халқ таълими вазири Р.Жўраевлар тақдим этдилар.

Наманган вилояти жамоасига III даражали диплом ҳамда компьютерлаштирилган кичик босмахонани Ўзбекистон Давлат Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Б. Махситов ҳамда Фарғона шаҳар ҳокими Т.Болтабоевлар топширишди.

Бундан ташқари, «Умид ниҳоллари» республика спорт ўйинларида юксак натижалар кўрсатган ғолиблар турли рағбатлантирувчи мукофотлар билан ҳам тақдирландилар. «Энг аҳил жамоа» учун соврини (компьютер) Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги Исковот қишлоғи волейболчи қизларига топширилди. «Энг чиройли ғалаба» учун соврини (телевизор) фарғоналик ёш полвон Шерзод Маҳмудовга тақдим этилди. «Юксак натижага интилиш» учун соврини (видеомагнитафон) пойтахтлик енгил атлетикачи Светлана Радзивилга насиб этди. Бундан ташқари, мусобақаларда биринчи ўринни эгаллаган битирувчи синф ўқувчилари республикамиз олий ўқув юртларининг жисмоний тарбия факультетлари ва Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтига тест синовларисиз ўқишга қабул қилинадиган бўлди.

Тақдирлаш маросимидан сўнг, ўзбек эстрада юлдузлари ҳамда вилоятлардан ташриф буюрган санъаткорлар ижросида катта концерт дастури намойиш этилди.

«Умид ниҳоллари» республика спорт ўйинларининг рамзий байроғи туширилди. Мезбонлар уни келгуси йил «Умид ниҳоллари» республика спорт ўйинлари ўтадиган Хоразм вилояти вакилларига топширдилар.

— Ғалаба қозониш яхши, лекин, асосийси бу эмас, — дейди Бухоро вилояти қўл тўпи жамоаси аъзоси Венера Муқимова. — Фарғонага келиб, кўплаб тенгдошларим билан дўстлашдим. Ҳаммамиз бир оила фарзандлари эканлигимиз, шу Ватан шоншуҳратини оламга ёйиш барчамизнинг энг катта бурчимиз эканлигини юрак-юракдан ҳис қилдик!

Ҳа, «Умид ниҳоллари» республика спорт ўйинлари поёнига етди. Тантана якунида осмонни тўлдириб нурафшон этган мушаклар ёруғида бир фикр хаёлга келди: **бугун ниҳол бўлган, ўзаро баҳслашаётган бу ёшлар келажакда албатта, дунё спорт майдонларида хур Ўзбекистонимиз байроғини мағрур ҳилпиратадилар!**

■ **Алишер ИБОДИНОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: кураш бўйича ғолиб Шерзод Маҳмудов (Фарғона вилояти); I ва II ўрин соҳиблари учун Президент совғаси; Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги Исковот қишлоғи волейболчи қизлари.

■ **ЎзА ва Б. РИЗОҚУЛОВ олган суратлар**

ЎЗБЕКИСТОН — АВТОМОБИЛСОЗЛИК МАМЛАКАТИ

«МАТИЗ» МАҲОРАТ ГАВҲАРИДИР

Кейинги ойларда мамлакатимиз йўлларида кўпайиб бораётган «Матиз» автомобили илдам ва равон юриши билан кўзга яққол ташланмоқда. Мамлакатимиз ёш автомобилсозлик саноатининг кенжа маҳсулоти ихчам ва башанг яратилганки, у ўзининг техник ечими ғоятда аниқ ва самарали эканлиги билан ҳар қандай енгил транспорт воситасидан кескин ажралиб турибди. «Ўзбекистон овози» газетаси «Ўзавтотеххизмат» акциядорлик бирлашмаси билан ҳамкорликда «Матиз» машинасининг техник афзаллиги, чидамли, камхарж эканлиги ҳақида ҳикоя қилувчи мақолалар бериб бормоқда. Навбатдаги мақолада Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси бўлим бошлиғи, техника фанлари номзоди М. Р. Ҳасанов йўл ҳаракати хавфсизлиги нуқтаи назаридан «Матиз»нинг устунлик жиҳатлари ҳақида ҳикоя қилади.

— Мадиёр Рўзимович, ўзимизда замонавий автомобиллар ишлаб чиқарилиши аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— Ёш автомобилсозлигимиз мамлакатимиз ва халқимиз бойлиги эканлигини, ишлаб чиқариши, саноати юксак ривожланган давлатнинг халқигина бой-бадавлат, фаровон яшаши мумкин эканлигини кенг маънода тушунмоқ керак.

— Ўзбекистон автомобилларининг бошқа давлатларда ҳам оммалашиб бораётганлигининг боиси нимада деб ўйлайсиз?

— Фахримиз бўлиб қолган «Нексия», «Дамас», «Тико» русумли автомобиллар ўзининг нафақат ташқи кўриниши, балки ихчамлиги, пухталиги ҳамда ҳаракатланиш жараёнида вазиятини тез ва осон ўзгартира олиш хусусияти билан дунё автомобилларидан қолишмаслигини ҳамма эътироф этмоқда. Айниқса, «Матиз» автомобили техник хусусиятлари билан жаҳон автомобилларидан қолишмайди ва дунёга машҳур бўлишининг сабаби ҳам ана шунда.

Ушбу автомобиль ўзининг жозибадорлиги, юқори дизайнли ишланганлиги, ишончли ҳаракати ҳамда ҳайдовчи ва йўловчи учун бир қатор қулайликлари борлиги билан ажралиб туради. «Матиз»нинг яна бир хусусияти, ёнилғининг тўлиқ ва унумли ёниши ҳамда кам сарфланиши, ҳаммага манзур бўлади.

— Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходими сифатида «Матиз» автомобилига қандай баҳо берасиз?

— Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари ҳам юртимизда ишлаб чиқарилаётган автомобилларнинг сифати ҳамда улардан фойдаланишга катта эътибор билан қарашмоқда. Чунки ўзбек автомобилларининг йўлларимизда кундан кунга кўпайиб бориши билан уларнинг ишончли, хавфсиз ва бенуқсон ҳаракатланиши йўловчилар ҳаётини муҳофаза қилишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

ДЙҲХХ ходими ва ҳамма учун ҳар қандай автомобилнинг асосий хусусиятларидан бири йўлларда аниқ ва ишончли ҳаракатланишидир. «Матиз» автомобили бундай талабга тўлиқ жавоб беради. Бунинг исботи сифатида «Матиз» автомобилининг техник носозлиги туфайли ва бошқа сабабларга кўра биронта автоҳалокат йўлларда содир этилмаганлигини айтиш мумкин.

«Матиз»ни мухандислар ва техникларнинг билими, маҳорати гавҳари деб таърифласа бўлади. Матбуот хабарларидан маълум бўлишича, «Матиз» автомобили Россия харидорларининг талабини забт этибди. Автоҳаваскор В. Королева ўзбек машиналарининг кам харажат эканлигини алоҳида таъкидлашган.

— Сизнинг тилакларингиз?

— Авваломбор, мамлакатимиз гуллаб-яшнайверсин, «Матиз»га ўхшаган автомобиллар ҳар бир хонадонда бўлишини истайман.

Шу ўринда мен, ҳозирги долзарб масала ҳисобланган, ҳайдовчиларимизнинг транспортни бошқаришда юксак маданиятли, йўл ҳаракати иштирокчилари бир-бирларини, айниқса, пиёдаларни ва болаларни ҳурмат қилиб, эътиборли бўлиши ҳамда қоидаларга сўзсиз бўйсунишига даъват қилмоқчиман.

■ **Суҳбатни Абдулла ПЎЛАТОВ ёзиб олди**

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Baxtiyor HAMIDOV
Rahima HAKIMOVA
Tolepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:
Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56,
Axborot — 136-55-16
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-57-20
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Sulaymon HAYDAROV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: *Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.*

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini kochirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 3102

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.00
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA

ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

ОЛИМ КИТОБИ ХИТОЙ ТИЛИДА

Инсон ёши улғайган сари тафаккури ўткирлашиб боради. 73 баҳорни қаршилаган тарихчи олим Исо Жабборов ана шундай кишилардан. Унинг йирик монографик асарлари, зиё тарқатувчи дарслик ҳамда ўқув қўлланмалари, илмий-оммавий мақолалардан иборат қатор тўпламлари маданиятимиз хазинасига қўшилган муносиб ҳиссадир. Олимнинг «Антик маданият ва маънавият хазинаси», «Буюк Хоразмшоҳлар давлати» каби китоблари, Алпомиш ва Жалолиддин Мангуберди юбилейига бағишланган асарлари тўпламига кирган мақолалари ўқувчилар тилига тушган.

Унинг мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида археолог олима Г.Дресвянская билан ҳамкорликда рус тилида ёзган «Ўрта Осиё: руҳлар, авлиёлар, худолар. Динлар тарихига оид очерклар» монографик китоби Ланжоу университети доктори Гао Юнцзю томонидан хитой тилига таржима қилиниб, яқинда нашр этилди.

— «Хитой ва Ўрта Осиё — жаҳон цивилизациясини бойитган қадимий маданият ўчоқларидандир, — деб қайд қилинади китобга ёзилган сўзбошида. — Улар орасидаги ўзаро муносабатлар тарихи теран илдизларга эга. Бу муносабатлар Буюк ипак йўли пайдо бўлган даврлардан то (Ўрта Осиё унинг чорраҳасида жойлашган) ўтган асрларгача давом этиб, нафақат махсус карвонлар орқали етказиб турилган, турли савдо-сотиқ моллари билангина эмас, балки маданий ва маънавий қадриятлар билан ҳам ўзаро алмашиб, бойиб келган». Дарвоқе, Ўзбекистонда топилган жуда кўп археологик ва ёзма обидалар ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Муаллифлар асарининг Хитойда чоп этилиши икки халқнинг теран илдизларга бой қадимий дўстлигини мустаҳкамлашга ва тарихий-маданий алоқаларини қайта тиклашга хизмат қилиши шубҳасиз. Умид қиламизки, Ўрта Осиё халқлари тарихига оид бу ноёб асар тез кунларда ўзбек тилида ҳам нашр этилади.

■ **Юнус ЗИЁДОВ**

ДИҚҚАТ, КИМОШДИ САВДОСИ!

Тошкент вилоят муниципиал биржаси

2002 йил 6 ва 13 июнь кунлари соат 11.00 да Афросиёб кўчаси, 2-уйнинг 2-қаватида жойлашган «Бизнес марказ»да ўтказиладиган кимошди савдосига таклиф этади.

Савдога:

Тошкент вилояти хўжалик суди томонидан банкрот деб эълон қилинган, Янгийўл шаҳрида жойлашган «Янгийўл мебель» тижорат ишлаб чиқариш ширкат корхонасига қарашли бино ва мол-мулклар қўйилади.

Бошланғич баҳоси — 147200000 сўм.

КИМОШДИ САВДОСИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

Кимошди савдосида қатнашиш учун аризалар ва гаров пуллари юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади ва савдо бошланишига бир соат қолганда тўхтатилади.

Телефонлар: 56-61-64, 56-30-12

Ўзбекистон ХДП МК Котибияти «Бухородонмаҳсулот» ишлаб чиқариш акционерлик уюшмаси бошқаруви раиси, Олий Мажлис депутати Баҳодир Бозоровга онаси

МУКАРРАМ аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

BANK XALQ BANKI

МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!

Сиз орзуингиз ҳақиқатга айланиб, қисқа муддат ичида салмоқли даромадлар соҳибига айланишни хоҳлайсизми? Унда Халқ банкига мурожаат қилинг!

Халқ банки Сизнинг маблағингизни шу йил **1 майдан** жорий этилган **«ҚАДРИЯТ»** қисқа муддатли ютуқли омонатига **90 кунга** қабул қилиб, йиллик **50 фоиз** миқдорида даромад тўлайди.

Шунингдек, Сиз омонатга маблағ топшириб, **5 минг сўмдан 1 млн. сўмгача** ютуқларга ҳам эга бўлишингиз мумкин.

Энг қизиқарлиси шундаки омад кулиб боқса, Сиз тўлиқ бир йил давомида ҳар ойда Халқ банки ҳисобидан **50 минг сўмдан** ютуқларни олиб туриш имкониятига эга бўласиз.

БУНАҚАСИ ҲАЛИ БЎЛГАН ЭМАС.

Шошилинг! Имкониятни қўлдан чиқарманг!

ХАЛҚ БАНКИ — АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИНИНГ САҚЛАНИШИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНГАН ЯГОНА БАНКДИР! ОМОНАТИНГИЗНИ ИШОНЧЛИ БАНКДА САҚЛАНГ ВА КЎПАЙТИРИНГ!

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

ШОШИЛИНГ!!!

«ЎзДЭУавто» компанияси

ОМАД ВА ҚУВОНЧ КЕЛТИРУВЧИ ЮТУҚ — БИТТА АВТОМОБИЛЬ ПУЛИГА ИККИТА АВТОМОБИЛНИНГ БАХТЛИ СОҲИБИ БЎЛИШГА ИМКОН ЯРАТАДИ!

7 мартдан бошлаб ўйинда иштирок этадиган 2500 автомобиль сотилмоқда!

Шошилинг! Имкониятингизни бой берманг!

Компаниянинг дилерлик корхоналари сизларни кутмоқда!

Ўйин Ўзбекистон телевидениесининг биринчи канали орқали намойиш этилади.

Матбуотдан хабардор бўлиб туринг: автомобиль сотиб олган ҳар бир шахс ютуқ эгаси бўлувчи номзодлар рўйхатига киритилади.

Телевидениеда ўйин ўтказилишидан аввал иштирокчиларнинг исми ва фамилиялари «Халқ сўзи», «Народное слово», «Правда Востока», «Ўзбекистон овози», «Қишлоқ ҳаёти» газеталарида чоп этилади!



ЎЙИН ШАРТЛАРИ:

- ўйинда 2002 йил 7 мартдан бошлаб сотилган дастлабки 2500 автомобиль иштирок этади;
- автомобиллар компаниянинг расмий дилерлик корхоналари автосалонларида сотиб олинган бўлиши шарт;
- ютуқ соҳиблари сотилган автомобилларнинг кузов рақамлари бўйича ўтказилган лотерея ўйини натижасига кўра аниқланадилар;
- ютуқ соҳибига ўзи сотиб олган автомобиль русумидаги автомобиль совға қилинади.

Барча саволлар бўйича компаниянинг расмий дилерларига мурожаат қилинг.

МАЪЛУМОТ УЧУН КОМПАНИЯНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ ТЕЛЕФОНЛАРИ: 67-97-74, 67-33-65